


Наманган вилояти

МАҲСУЛОТ СИФАТИ – ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Буни «Намангантола» масъулияти чеklangан жамиятида амалга оширилган ва оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Наманган тумани Тошбулоқ шаҳарчасида фаолият юритаётган мазкур корхонада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Энг аввало, кўшимча янги бино ва иншоотлар бунёд этилди. Тукли чигитни линтерлаш, экстракция, дезодорация цехлари замонавий дастгоҳлар билан таъминланди. Натижа эса маҳсулот сифати тубдан ўзгаришида намоён бўлди. Айни пайтда корхонада сифатли ўсимлик ёғи, чорва моллари учун

шелуха, шрот каби чорва озуқалари ишлаб чиқарилмоқда. Икки юз нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 29 минг тоннадан зиёд чигит қайта ишланди. 4,6 минг тонна ўсимлик ёғи, 13,3 минг тонна шрот, 7,6 минг тонна шелуха, 600 тоннадан ошқибоз қилинган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш тармоқда амалга оширилган модернизация ва ишлаб чиқаришга илғор технологияларни олиб кириш билан узвий



боғлиқ, — дейди корхона раҳбари Муҳаммадхон Аҳмаджонов. — Мана шундай ишлар боис, маҳсулот сифати ошмоқда. Бугунги давр эса олдимизга янада катта вазифаларни қўймоқда. Хусусан, илгари асосий эътибор пахта ёғи ишлаб чиқаришга қаратиларди. Хозир эса кунгабоқар, масхар ва соя ёғлари ишлаб чиқариш ҳамми кенгайтирилмоқда. Бу корхона ходимларининг тажриба ва малакасини ошириш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни киритиш, сирасини айтганда, доимо янгиликка интилиб, изланиб ишлашни тақозо

этади. Жамоамиз билан буни чуқур англаб етган ҳолда фаолият юритилмоқда.

Ҳа, жорий йилда корхона жамоаси ана шундай катта мақсадлар билан меҳнат қилишмоқда. Ишлаб чиқаришга янгиликлар киритилди. Хусусан, бир қатор фермер хўжаликлари билан шартнома асосида кунгабоқар, соя ҳамда масхар етиштириш борасида иш олиб боришмоқда. Етиштирилган маҳсулот корхонада қайта ишланиб, аҳоли истеъмолига етказиб берилади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.



Қашқарар вилояти

Қарши шаҳрида фермер хўжаликларини сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида бошоқли дон экинлари майдонларида навдорликни аниқлаш бўйича апробаторлар республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.

АПРОБАТОРЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Қашқар ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда мазкур вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, барча вилоятлардаги тегишли ташкилот ва корхоналар мутасаддилари, фермерлар ҳамда олимлар иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Қашқарда бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти фаолияти билан аниқдан танидилар. У ерда иштирокчиларга селекция ва уруғчилик борасида олиб борилаётган энг сунгги илмий изланишлар ҳақида баътафсил маълумот берилди. Институт тажриба майдонида эса меҳмонлар турли навлар парвариши, уларнинг ҳосилдорлиги, дон сифати ҳамда тупроқ шўрланишига, курғоқчиликка, иссиқликка чидамлилиги хусусида кенг тушунча олиб, уруғлик майдонларда дала кўригини сифатли ўтказиш бўйича ўзара фикр алмашишди.

Шунингдек, вилоятдаги «Дунё-М» корхонаси «Нисшон» филиали уруғлик цехининг юқори навли уруғларни тайёрлаш ва қайта ишлаш шохобчасида мавсумга тайёргарлик бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳам семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинарда бу йилги экиш мавсуми олди вазибаларига ҳар қачонгиданда катта масъулият билан ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди. **Хусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.**

Самарқанд вилояти

СУҒУРТА – ЧОРАСИЗ ҚОЛМАСЛИКНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ЧОРАСИ

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСКНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДИРЕКЦИЯСИ МИЖОЗЛАРИ КЎРСАТИЛАЁТГАН ТЕЗКОР ВА ЗАМОНАВИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИДАН МАМНУН

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари барча соҳалар қатори суғурта тизими ҳам жадал ривожланиб, йилдан-йилга такомиллашиб бораётди. Бугунги кунда республикамиз суғурта бозори чинакам рақобат майдонига айланган. Давлат суғурта компаниялари билан бир қаторда кўплаб нодавлат суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳам йилдан-йилга фаолиятини такомиллаштириб, суғурта турларини кенгайтириб бораётди. Хозирда компания томонидан юздан зиёд суғурта турлари жорий этилганки, бу ўз навбатида, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Компаниянинг Самарқанд вилояти дирекцияси томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. Дирекция таркибида 14 та

туман ҳамда 3 та шаҳар бўлинмалари мавжуд бўлиб, 25 та суғурта агентлик шохобчалари ва ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Утган йили кишлоқ хўжалиги бўйича жами 705 миллион сўмдан зиёд суғурта хизматлари кўрсатилди, суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарарни қоплаш мақсадида 75 та ҳолат бўйича 233 миллион сўмга яқин суғурта товонлари тўлаб берилди. Жумладан, галла кам ҳосиллиги учун Булунғур туманидаги «Агзам Рустамов даласи» фермер хўжалигига 16 633 700 сўм суғурта пули тўланди. Чорва суғуртаси бўйича Нуробод туманидаги «Каттакўрғон» ширкат хўжалигига нобуд бўлган қўйларни учун ўн миллион сўмга яқин суғурта маблағлари ажратилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаб бўйича 1 882 613 500 сўмлик суғурта хизматлари кўрсатилди, суғурта ҳодисаси натижасида зарарни қоплаш мақсадида салкам 68 мил-

лион сўмлик суғурта товони тўлаб берилди. Шунингдек, бахтсиз ҳодисалардан аҳоли мол-мулкни суғурта қилиш турлари бўйича ҳам кенг миқёсда суғурта хизматлари кўрсатилди.

Бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурта қилиш тури бўйича Пастдаргом тумани Чархин кўрғониди яшовчи Тошнўёз Тожиёвага 3 750 000 сўм миқдорда маблағ берилди. Пайриқ туманида яшовчи Шербек Алламурадова ҳам бахтсиз ҳодиса натижасида олган тан жароҳати учун шунча миқдорда маблағ ажратилди.

Суғурта барқарор фаолият юритишимиз, турли эҳтимоллардан химояланишимизнинг ишончли воситасидир, — дейди Пастдаргом туманидаги «Казарма» фермер хўжалиги раҳбари Топшўлат Юлдошев. — Жорий йил бошида хўжалигимизга галла кам ҳосиллиги учун ўн миллион сўмга яқин суғурта товони тўланди. Бу маблағни зарур эҳтиёжларимиз учун сарфлаб, хўжалигимиз иқтисодий барқарорлигини таъминладик.

Дарҳақиқат, мазкур суғурта ташкилотлари орқали кишлоқ хўжалиги субъектларига кўрсатилмаётган тезкор ва сифатли хизматлар улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш баробарида ишга ҳам баррака бағишлamoқда. Экин майдонларини ёнғин, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқ кўчиши, яшин уриши, гармсел, сув тақчиллиги сингари турли табиат ҳодисаларидан суғурта қилган фермер оғир вазиятда суғуртага таянади.

Эътиборли жиҳати шундаки, дирекция ва унинг шаҳар, туман бўлинмалари томонидан кўрсатилмаётган хизматлар қатор қўлайликларга эга. Дирекция директори Фарҳод Хидировнинг таъкидлашича, суғурта бадаллари кам бўлган бир пайтда суғурта жавобгарлиги юқори бўлмоқда. Бу, албатта, суғурта шартномаларининг кўпайиши, миждозлар ишончининг ортишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Раимқул СУЯРОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Жиззах вилояти

ДЎСТАЛИК ПИЛЛАСИ ХИРМОНГА ТУШДИ

ДЎСТАЛИК ТУМАНИ ПИЛЛАЧИЛАРИ ҲАР ЙИЛИ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЮКСАК ХИРМОН ЧОШЛАШГА, ИМЗОЛАГАН ШАРТНОМА РЕЖАЛАРИНИ ОШИРИБ БАЖАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШАДИ. МАНА БУ ЙИЛ ҲАМ УЛАР ВИЛОЯТДА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ ҲОСИЛ ТОПШИРИШГА КИРИШДИЛАР.

— Туманимизнинг жорий мавсумда яратилажак 65 тонналик юксак хирмонга биринчи бўлиб «Эшбек ота» фермер хўжалиги пилласи Зайнаб Остонақуллова тамал тоши қўйди, — дейди «Дўстликпилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азамат Азие

мов. — У билан олдинма-кетин Зулайҳо Долиева ва Кўйсинай Дадажоновалар ҳам қоп-қоп ҳосил келтириб қолди. Учаласи ҳам 126 килограммдан «кумуш тола» топширишди. Бу, ҳар қутидан шартнома режасидаги 50 килограмм ўрнига 63 килограммга тўғри келади.



Моҳир пиллачи Донулу Уролова (ундан биринчи), Зулайҳо Долиева ва Зайнаб Остонақуллова.



Икки қути уруғдан 128 килограмм ҳосил олган илгор пиллачи Туреунай Остонақуллова.

Бу йил биз 1190 қути уруғ очириб, 330 та фермер хўжалиги пиллачиларига тарқатгандик. Очиғи, табиат ҳам сийлади, танлаган уруғ ва қўллаган технологиямиз ҳам кўнгилдагидай чиқди. Шунинг учун ҳозиргача пиллахонамизга хомашё келтирган юздан зиёд пиллачининг барчаси ҳар қути ҳисобига 55-60 килограммдан ҳосил топширди. Пиллахонамизга ҳосил келтираётган пиллачилар тобора кўпаймоқда.

Шунингдек, бу йил «Дўстликпахтотозлаш» очик акциядорлик жамияти ишчилари ҳам 70 қути қурт боқиб, 4,2 тонна «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилишган. Бунёд этилган замонавий пиллахонада 40 нафар пиллачи ва 20 нафар баргчилар меҳнат қилишяпти. Вилоятнинг Жиззах, Пахтакор, Мирзачўл ва бошқа туманларида ҳам пилла топшириш бошлаб юборилди.

Келди ДЎСТБЕК

Мавсум

ТАНЛОВ «ЭЪТИРОФ – 2013»

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларида жамият ҳаётида кечяётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳақоний, таҳмилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нфүзизи ошишига қўмақлашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқакарни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтисодий муаммоларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуриндаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий қўмағида ўтказилади.

- ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:**
- энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
- энг яхши иқтисодий нашр;
- энг яхши спорт нашри;
- энг яхши болалар нашри;
- газета/журналнинг энг яхши дизайни учун;
- энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ
Ғоиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябригача олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади. Танловда ғоиб қилиш учун қуйдаги мезонлар белгиланган:
- иштирокчининг ўз йўналиши бўйича

оммавийлиги;
- материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
- бадиий-эстетик безатилиши.
Танлов иштирокчилари фаолияти нуфузли экспертлардан ташкил этилган ҳайъат томонидан баҳоланиб, ғоиблар аниқланади.
Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

ҒОИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ
Танлов ғоиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача қуйдаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mtfuz@inbox.uz, info@mmf.uz
Ташкилий қўмита

Ренат НАЗАРОВ, Республика сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кенгашининг агротехника тадбирларини такомиллаштириш масъулари бўйича гуруҳ раҳбари, кишлоқ хўжалик фанлари доктори.


Тошкент Вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«ҲАМКОРБАНК» ТАДБИРКОРУ ФЕРМЕРГА ҲАМКОР

НАМКОРБАНК

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатбардош корхоналарни ишга тушириб арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, замонавий сервис хизмати йўлга қўйиш, шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш борасида мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит, энгиллик ва имтиёзлар яратилишида молия муассасаларининг хизматлари катта.



Парваришланаётган соғин ситир, новвослар учун етарлича озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 105 гектар майдонда додли экинлар экиб, юқори ҳосил оляпмиз.



Халқимиз паррандачилик етти хазинанинг бири, деб бежиз айтмаган экан. Ана шу мақсадда «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиали ёрдами билан Жаҳон банкидан 300 миң АҚШ доллари микдорда кредит ажратилди, бунинг эвазига 50 мингта «Ломан Браун» зотли жўжаларини сотиб олдиқ. Украинанинг

«Украин-сельмаш» заводидан технологялар олиб келиб ўрнатдик. Ҳозирги кунда маҳсулотларимизни Янгийўл деҳқон бозори ҳамда Тошкент шаҳридаги бир неча савдо шохобчалари билан тузилган шартнома асосида етказиб беряпмиз. Албатта, юртимизда тадбиркорлик ва фермерликка яратилаётган имкониятлар бизни янада кенгроқ фаолият юритишга ундамоқда. Эндиги режими фермер хўжалигимиз қошида қушхона қуриш ва аҳолига янги ва сифатли парҳез ва чорва моллари гўштини қадоқланган ҳолда етказишидир. Бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланди. Шунингдек, фермер хўжалигимизда балиқчилик ва шолчиликни ривожлантиришни ҳам режалаштирганмиз.

Сирасини айтганда, «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиали жамоаси иқтисодийнинг реал сек-

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 2012 йили санаот соҳасига 11 миллиард 905 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига эса 836 миллион сўм кредит ажратилди. — дейди «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиали бошқарувчиси Зафар Урмонов. — Шунингдек, сервис ва хизмат кўрсатиш, қурилиш, улгуржи ва чакана савдо соҳаларига жами 7 миллиард 103 миллион

сўм кредит маблағлари ажратилиб, 236 та янги иш ўринлари яратилди.

«Ҳамкорбанк»нинг Янгийўл филиалидан мамнунмиз, — дейди «Султонова Гулчехра» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулчехра Султонова. — Банк кўмаги билан 300 миң АҚШ доллари микдорда кредит олишга муассасар бўлдик. Ушбу маблағ эвазига чет элдан техника ва технологиялар харид қилиб, 20 мингта «Ломан Браун» зотли жўжа сотиб олдиқ. Ҳозирда паррандачилик фабрикасида 11 киши меҳнат қиляпти. Шу билан

бирга, 75 гектар майдонда дон экинларни етиштириш чораларини кўрапмиз.

— Дастлаб ишни чорвачилиқдан бошлаганимиз, — дейди «Баҳромжон агро чорваси» фермер хўжалиги раҳбари Раҳматжон Матмусаев. — Хўжалигимизда 150 бош қорамол, 10 бош от боқилганми.

тори ҳисобланган корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаб иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверади.

Аҳмаджон РИХСИБОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



○ Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатиغا!

БУХОРО ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро шаҳридаги И.Мўминов кўчасида жойлашган Давлат нотариал идораси ва ФХДБ бўлими биносини мукаммал таъмирлаш».

Бююртмачининг бошлангич қиймати — 278 863 310 сўм (ҚКС билан), 232 386 100 сўм (ҚКССиз).

Курилиш муддати — 2 ой.

Курилиш ишлари бююртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурад уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар микдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилады.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари предметни қийматининг 20 фоизи микдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — Юз миңг сўм.

Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — офёрталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БАЛИҚЧИ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЈАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Балиқчи тумани Давлат солиқ инспекцияси мавжуд биносини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошлангич нархи (ҚКС билан) — 114.102.700 сўм.

Объектнинг бошлангич нархи (ҚКССиз) — 95.085.583 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 120 кун.

Бююртмачи: Балиқчи тумани Давлат солиқ инспекцияси.

(Балиқчи тумани Худойбердиев кўчаси 8-уй, Тел (998 74) 323-13-08, 323-13-05)

Молиялаштириш манбаси: Бююртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Турар ва нотурад уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объекти

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда ўтказиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси

тақдим этишига охириги муддати — офёрталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навойий вилояти Навойий шаҳар ҳокимининг 22.05.2013 йилдаги 01-02/410-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Автомобилларга сиқилган газ тарқатиш компрессор станцияси (АГНКС) қуриш учун Навойий шаҳар санаот ҳудуди «ГМЗ-1» ва «Навоийазот» ОАЖ корхоналари ораликидан 8000 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 4 653 600 сўм.

2. Кўп (етти-тўққиз) қаватли тураржой биноси қуриш учун Навойий шаҳар 18-кичиқ тумани 1-зона ҳудудида жойлашган 2400 кв.м.дан иборат 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 808 640 сўм.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳажми Навойий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шарҳосозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатла-

ри билан бирга тақдим этилади. Талабгорлардан бююртномаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 27 июнь кунни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Навойий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 28 июнь кунни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 28 июнь кунни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида тақлиф энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини АТИБ «Ипотeka банк» Навойий шаҳар филиалидаги: МФО: 00205, ШПР: 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари микдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар бююртнома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- **юридик шахслар** - давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- **жисмоний шахслар** - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- **танлов ташкилотчиси**га закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- **танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатиغا!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 560 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни реконструкция қилиш ва ёрдамчи биналари билан бирга 9x18 м. ўлчамли спортзал қурилиши».

Бююртмачининг бошлангич қиймати — 650 000 000 сўм (ҚКС билан), 541 666 700 сўм (ҚКССиз).

Курилиш муддати — 5 ой.

Курилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Бююртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридидаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдосида мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — Юз миңг сўм.

Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — офёрталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навойий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!
МВД РУЗ ОИН УВД ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
УЧРЕЖДЕНИЕ УЯ 64/85 ОБЪЯВЛЯЕТ
КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО СЛЕДУЮЩИМ ОБЪЕКТАМ.

«Монтаж и установка инженерно — технических средств охраны «Райхон» Учреждения 64/85 ГУИН МВД РУЗ».

Стартовая стоимость с НДС — 237 819 260 сум.

Стартовая стоимость без НДС — 198 182 717 сум.

Срок строительства — 90 дней.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет бюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценнообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: МВД РУЗ ОИН УВД Ташкентской области Учреждение УЯ 64/85

Адрес заказчика: Ташкентская область, Зангиатинской район, посёлек Богзор Учреждение УЯ 64/85

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:

Иметь лицензию в области строительства на ремонтно-строительные и ремонтно-монтажные работы на оборонных объектах, выданная в установленном порядке.

- наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навойий дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: **Ташкентская область, Зангиатинский район, посёлек Богзор Учреждение УЯ 64/65.**

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней со дня опубликования объявления.

КИТОБ БАЙРАМИ – ЮКСАК МАЪНАВИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

(Боши 1-саҳифада)

– Хар бир машгулотни болажонларга қизиқarli олиб боришга ҳаракат қиламан, – дейди Ҳамза туманидаги 149-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Зилола Аминова. – Бунда биринчи галда янги бадий, ўқув адабиётларига мурожаат қиламан. Бугун ҳам ушбу кургазмаларда бир қанча янги адабиётлар билан танишдим. Айниқса, боғча ёшидаги болалар учун “Ўқитувчи” нашриёти томонидан chop этилган “Юдузлар, кўёш, ой”, “Мактабга тайёрланамиз”, “Эртақлар яхшиликка етаклар”, “Кичкинтойлар алифбеси”, “Санашни ўрганамиз” каби китоблар, қолаверса, ўзбек халқ эртакларининг чет тилларига таржима қилинган ҳолдаги тўпламлари жуда манзур бўлди. Бу китоблар болажонларнинг мурғак қалбига билим олишга, тил ўрганишга бўлган иштиёқларини янада оширади.

Шунингдек, тадбир доирасида нашриётларнинг янги маҳсулотлари, жумладан, Обод турмуш ли-

лига бағишланган китоблар тақдими ҳам ташкил этилди.

– Жорий йилнинг шу даврига қадар нашриётимизда айнан Обод турмуш йилига бағишланган ўндан зиёд китоб chop этилди, – дейди “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти директори ўринбосари Муроджон Аминов. – Бугунги кургазмада эса 70 дан ортиқ янги китоб билан иштирок этяғимиз.

– Бугунги Китоб байрамига янги китоблар билан танишиш мақсадида келгандим, – дейди физика-математика фанлари номзоди Мавлуда Иминова. – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раҳима Шомансуровнинг “Келинома” деб номланган янги китоби билан танишдим ва муаллиф билан юзма-юз суҳбатлашдим. Маънавийтимизни ёш авлод қалбига синдириш ва адабиётимизни тарғиб этишда бундай тадбирлари ташкил этишнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

– Менга Озод Набиевнинг “Етти ранг ва етти куй ҳақида



Алиқ АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

эртак” китоби ёқди, – дейди пойтахтимиздаги 180-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Севинч Аминова. – Китобда хар бир ранг ва мусика эртак воқеаларига боғланган. Мусика ва санъат мактабда доторчилик йўналишида ҳам таҳсил оламан.

Китоб тасавурларимни бойитиб, дунёқарашим кенгайишига хизмат қилади. Бу эса ижро этаётган мусика жонли чиқишида мурчани омиқ бўлади.

– Фаргона вилояти Боғдод педагогика коллежи ўқувчиси, – дейди Ўғилло Радулова. – Бугун

Китоб байрамида бевосита иштирок этиб, келажақда педагогик фаолиятимда зарур бўладиган китобларни харид қилдим.

Тадбир доирасида ўтказилган эл севган шоир ва ёзувчилар билан суҳбатлар, ёш ижодкорларнинг қизғин муширалари бай-

рамга фэйз киритди. “Энг яхши китобхон”, “Китобхон оила” каби мавзулардаги интеллектуал ўйинлар эса заковот ва билимлар беллашувига айланди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси санъаткорларининг куй-қўшиқларида китоблардаги боқий мавзулар – Ватан, юрт, муҳаббат ва ёшлик тараннум этилди.

Китоб байрами доирасида бўлиб ўтган “Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият-маърифат, таълим, нашриёт, матбаа соҳаси вакиллари ноширлик ва ахборот-кўптухона соҳасига доир ҳуқуқий асослар, уни такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистонда китоб графикасининг тарихи, ривожланиш тенденциялари, жаҳон алоқа тармоғида миллий адабий меросимизни тарғиб этишнинг долзарб вазифалари хусусида фикрлашди.

Китоб байрамининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулноза ТУРДУНБОЕВА, “Qishloq hayoti” мухбири.

ТАРБИЯ МАЪСУЛИЯТИ
У ОИЛА, МАҲАЛЛА, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНАДА ОШМОҚДА

Унда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, “Оила” илмий-амалий маркази вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ёш авлод тарбиясида маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик ёшларни хар томонлама баркамол, ҳам жишонан, ҳам маънавий етуқ қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтларини маъмул ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан зарур услубий-амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. “Оила, маҳалла, таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмининг кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар ижросини амалга ошириш мақсадида республикадаги 9885 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этилган худудий жамоат кенгашлири томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрғаниш мақсадида 16 мингдан ортиқ, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши бўйича 13 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Республикамиздаги барча маҳаллаларда ёшларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш, уларда ҳаётга масъулият ҳиссини уйғотиш юзасидан ибратли оилалар билан уchrashувлар ташкил этилиши йўлга қўйилган. Бу борада фуқаролар йиғинларида “Бир болага етти кўшни ота-она”, “Биз – Ўзбекистон фарзандларимиз”, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам” каби мавзуларда uчrashувлар ташкил этилди.

СОҲИБА РАҲМОНБЕРДИЕВА

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОVAR СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Автомобили UAZ от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

Centры продаж в Ташкенте:
Тел./факс: (8 371) 215-09-11; 215-18-17
Телефон: (+99891) 162-99-99; (+99898) 303-90-09; (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте: www.sardor-avto.uz

UAZ Patriot (comfort) ПИКАП

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

АРНАСОЙ СУВ ОМБОРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Жиззах вилояти Арнасой сув омборидан 4-сон қувурли сув ўтказишда таъмирлаш-тиклаш ишлари”.
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚС сиз 1500,975 млн.сўм, ҚҚС билан 1801,170 млн. сўм
Ишларни тугаллаш муддати: 2014 йил 25 декабрга.
Ишларни молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти Мирзачўл тумани, А.Хўжамқулов кўчаси, 1-уй.
Телефон: (8372)-312-22-17.
Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилганда кичик бизнес субъектлариغا аҳамият берилди.
Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридида айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тўзиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий pudратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** қўзда тутилган: офертларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қўшимча қиймат солиғини тўлашдан овоз этилган импорт ишларни бажаруви ва хизмат кўрсатуви чег эл офертларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўйиб ҳисобланади.
Танлов савдосида қатнашган маблағларни олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги маълумот берилиши мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 миң сўм.
Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги маълумот қабул қилинади.
Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати – офёрталар очилиш куни ва соатига.
Танлов савдоси эълон матбуотда chop этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги маълумот ўтказилади:
Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.
Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги маълумот қабул қилинади.
Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати – офёрталар очилиш куни ва соатига.
Танлов савдоси эълон матбуотда chop этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги маълумот ўтказилади:
Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

АГРОТЕХНИКА

Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025

- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницаи тракторлар
- Прессподборщик
- Ўзапов урадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка урадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Бугдой экадиган севялка
- Пахта экадиган севялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб сугорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
- Чизель, борона 150-68-68
- Экскаватор погрузчик, бульдозер (+99890) 928-80-20
- Траншекопатель, ямобур

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
Маҳсулот сертификатланган

Прессподборщик машиналарида қўлланадиган сомон, хашак боғловчи (сеновязальн) полипропилен шпагати пұл

Кўчириш йўли билан сотилади.

Маҳсулот корхонамиз ва “Ўзстандарт” лабораторияларида синовдан ўтказилган, сертификатлаштирилган.

Маҳсулот сифатига кафолат берамиз.

Тел.: (+99893) 382-89-14, 550-75-79.

ДТ «ХАЛҚ БАНКИ» ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЖИЗЗАХ ТУМАНИ УЧ-ТЕПА ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Жиззах вилояти Жиззах тумани Уч-тепа «Халқ банки» биноси қурилиши”.
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚС сиз 1 279,582 млн. сўм, ҚҚС билан 1 535,499 млн. сўм
Ишларни тугаллаш муддати: 2013 йил 1 ноябрга.
Ишларни молиялаштириш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи манзили: Жиззах тумани Уч-тепа аҳоли пункти Навойй кўчаси, 10-уй.
Телефон: (8372)-771-63-17.
Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилганда кичик бизнес субъектлариға

аҳамият берилади.
Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридида айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тўзиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдосида маҳаллий ва чет

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграр саноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоқда даялдор ваазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Зафар РҮЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулло ИЮНСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдижабоб ТАМИКАВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Авлаод КУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ГУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Республикаси Ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7023

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 236-58-83, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий сийсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 236-56-25, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Коракалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Вниманию руководителей организаций и предприятий: Опубликованное объявление ИКЭСЗ (ташкотилов) является конкурсным торгом в номере № 148 (8373) от 12 декабря 2012 года, считать недействительным.

“MUSTANG IMPLEX GROUP” МЧЖ Устав фонди 275 151 760 сўмдан 205 100 000 сўмга камайитригани маълум қилади. Даволатдор 531-76-38 тел. орқали қабул қилинади.

“SIR VIK LEQ” МЧЖ устав фонди 9 870 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайитрилгани маълум қилади.

Реклама ва эълонлар

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳихчи: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.СОБОУЛХАМИДОВА